

Дунёнинг шиори



16:00 / 16.03.2023 4175

Доктор Мустафо Маҳмуд дейди:

«Аллоҳ таоло марака, жангдаги нусратни нафсни устидан нусратга эришиш билан боғлади. Бу ҳақда Ўзининг китобида баён қилиб: «Толут аскар билан чиққанда: «Албатта, Аллоҳ сизни дарё билан синовчидир, ким ундан ичса, у мендан эмас. Ва ким уни тановвул қилмаса, у албатта, мендандир. Магар биров қўли билан бир хўплам хўпласа, майли», деди» (Бақара сураси, 249-оят).

Шу маънодаки, чанқоққа қарамай сувдан ичманглар, фақат, жуда чанқаб кетсанглар, ҳар бир киши учун бир хўпламдан бўлса майли, деган изнни берди. Хўп, натижа нима бўлди? **«Озгиналаридан бошқалари ундан ичдилар»** (Бақара сураси, 249-оят).

Ана ўшалар, ҳар бир замон, асрдаги озчилик инсонлар жамоаси бўлиб, биз яхши кўрадиган нафснинг хуружларига қарши турган ҳолда, шиорларни қоим қилувчи ва биз ёқтирмайдиган, оғир кўрадиган машаққатларни кўтарувчилардир.

Яна сўзида давом этиб шундай дейди: «Дунёнинг барининг шиори шудир: «Дунё — оёқларимиз остидан оқиб турувчи дарё кабидир. Бизни ҳар биримиз унга қўл ботириб сув оламиз. Кимдир бир кафтида ҳовуч, яна

кимдир эҳтиёжидан ортиғини ҳам олади. «Озгиналаридан бошқалари ундан ичдилар». Ана ўша озчиликни Аллоҳ дунёда кўпчиликдан ўзгача, алоҳида этиб яратгандир. Ана ўша Аллоҳнинг халқларига жаннат насиб бўлгусидир. Аммо улардан бошқалар бўлса, бу дунёда шахватларга ўтин бўлсалар, охирадда бўлса жаҳаннамга ўтиндирлар».

Аллоҳим, бизни нафсимиз чорловчи турли шахватларга қарши турувчи ва нафсимизга оғир келадиган вазифа, вожиботларимизни кўтарувчи, уларни адо этувчилардан этгин!

Манба: *arabic.uz*